Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 12 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 76 (13.139)

Баҳоси эркин нархда

Иқтисодиёт

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун медиатур ташкил этилди. Ушбу тадбир доирасида журналистлар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Жаҳон банки гуруҳининг "Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш" қўшма лойиҳаси доирасида энергия самарадорлиги юқори технологияларни жорий этиш ва энергия тежаш жараёнларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Бугун тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатларда барча турдаги ресурслар, жумладан, электр энергияси, хомашё ва материаллардан самарали фойдаланиш масаласи долзарб бўлиб турибди. Қазилма бойликларнинг улкан заҳирасига эга мамлакатимизда энергия тежаш ва ҳисобга олиш тизимларини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, илғор технологияларни қўллаш ва саноатни бошқариш, энергия ресурсларини ташиш ва фойдаланишнинг самарали молиявий-иқтисодий воситаларини ишлаб чиқиш орқали ушбу мақсадларга эришилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 21 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилга инвестиция дастури тўғрисида"ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 июлдаги "Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш" лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Жаҳон банки Халқаро тараққиёт уюшмасининг "Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш" қўшма лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Ўзбекистон тижорат банклари кредит маблағлари самарасида мамлакатимиз саноат корхоналарининг аксарияти маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида электр энергияси ва табиий газ сарфини сезиларли қисқартириш имкониятига эга бўлди. Медиатур мамлакатимиз саноатида энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш борасидаги ишлар натижалари билан оммавий ахборот воситалари вакилларини таништириш ва буни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида ташкил этилди.

Тадбир доирасида журналистлар "Тошкент ёғ-мой комбинати", "Ўзпахтасаноат" АЖ корхоналари, "Максам-Чирчиқ", "Аммофос-Максам" акциядорлик жамиятлари ва Олмалиқ кон-металлургия комбинати каби пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги қатор саноат корхоналарида бўлди.

"Тошкент ёғ-мой комбинати" акциядорлик жамияти фаолияти журналистларда катта қизиқиш уйғотди. Бу ерда маҳсулдорлик ҳажмини кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳада йиллик энергия сарфини камида 20 фоизга қисқартиришга эришиш кўзда тутилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бунга энергия ресурсларидан кам фойдаланиш, кўп иссиқлик ва буғ ишлаб чиқариш, атмосферага буғхона газини чиқариш ҳажмини қисқартиришни таъминлайдиган юқори самарадорликка эга янги авлод қозонлари ўрнатилган ҳолда, қозонхона цехининг қайта жиҳозланиши орқали эришилган. Янги технологияларни харид қилиш учун корхонага 960 минг долларлик кредит берилди.

Мамлакатимизнинг йирик саноат корхоналаридан бири бўлган Олмалиқ кон-металлургия комбинатига ташриф ҳам янада қизиқарли бўлди. Бугунги кунда комбинат 8 тоғ-кон корхонаси, 5 бойитиш фабрикаси, 2 металлургия, таъмирлаш-механика ва оҳак заводлари, олтингугурт кислотаси маҳсулотлари ишлаб чиқариш, 20 дан ортиқ ёрдамчи цех ва бошқа объектларни ўзида бирлаштирган.

(Давоми 2-бетда)

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

МАҲАЛЛА — ВАТАН ИЧРА МЎЪЖАЗ ВАТАН

Ҳаммамиз маҳаллада яшаймиз. Яхши кунларимиз, турмуш ташвишларимиз эл билан бирга. Меҳр-оқибат, аҳиллик, тинчлик, ватанпарварлик каби эзгу тушунчалар онгу шууримизга маҳаллада сингган. Ватан — маҳалладан бошланади, дея бежиз айтилмаган.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маҳалла фаолиятини қўллаб-қувватлаш билан бирга унинг вазифалари кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу институтнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири кенгаймоқда.

Бош қомусимизда маҳалланинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланиб, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини тартибга солишга оид қонунлар қабул қилинган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бугунги кунда ўттиздан ортиқ вазифа юклатилган.

Қонунчиликка мувофиқ, фуқаролар ўз маҳаллаларида ўзини ўзи бошқаришга доир конституциявий ҳуқуқини фуқаролар йиғинлари (фуқаролар вакилларининг йиғилишлари) орқали амалга оширади. Уларнинг бу борадаги ҳуқуқларини чеклаш тақиқланади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг аралашувига йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий тамойиллари қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлигидан келиб чиқади. Бу жараёнда урф-одат ва анъаналар ҳисобга олиниши билан бир қаторда ижтимоий адолат, ошкоралик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда мустақиллик, жамоатчилик асосида ўзаро ёрдам, ижтимоий шериклик каби тартибларга амал қилинади.

Мамлакатимизда ўн мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ана шундай тамойиллар асосида фаолият юритмоқда. Ушбу тузилма аҳоли турли қатламлари манфаатларини ифода этиш баробарида, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этаётир.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунига мувофиқ мазкур органларнинг ваколатлари янада кенгайтирилди. Эндиликда бу тизим аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айниқса, оилавий тадбиркорлик, касаначилик ва ҳунармандликни ривожлантиришга кўмаклашиш, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш каби вазифаларни адо этмоқда.

Аҳолининг турмуш фаровонлиги, ҳаёт сифатини ошириш мақсадида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария жиҳатдан тоза сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, гузарлар барпо этиш ишлари ҳам маҳалла зиммасида. Маҳалла ҳудудида қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, коммунал хизматлар кўрсатиш сифати, иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади. Тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш юзасидан тавсиялар беради ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, банклар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатади.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРИЛИШ МАҲСУЛОТЛАРИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Жорий йилнинг 7-9 апрель кунлари Туркманистоннинг Ашхобод шаҳрида "Turkmen Build – 2016" қурилиш маҳсулотлари халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз компания ва корхоналари ўз маҳсулот ва хизматлари билан иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самарасида тадбиркорларимиз тайёрлаётган маҳсулотлар ва кўрсатаётган хизматлар салмоғи тобора ортиб бормоқда. Ишбилармонларимизнинг нуфузли халқаро кўргазма-ярмаркаларда фаол иштирок этаётгани мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ташқи бозорда намойиш этиш, хорижий компания ва фирмалар билан истиқболли шартномалар тузиш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 8 августдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ишлаб чиқарувчиларнинг чет элларда ўтказилаётган йирик халқаро ярмаркалар, бизнес-форум ва кооперацион биржаларда иштирок этиши, харидорлар топиши ва шартномалар тузишига, экспорт жўғрофиясини кенгайтиришга кўмаклашмоқда.

"Turkmen Build" халқаро кўргазмасида Ўзбекистон, Германия, Греция, Хитой, Ҳиндистон, Россия, Беларусь, Эрон, Қозоғистон каби йигирмадан зиёд мамлакатдан икки юздан ортиқ фирма ва компания иштирок этди. Форумда қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида энг сўнгги ютуқлар намойиш этилди. Унда замонавий қурилиш материаллари ва технологиялар, архитектура ва дизайн, лойиҳалаштириш, соҳада кадрлар тайёрлаш, дурадгорлик буюмлари, электр тармоқлари маҳсулотлари каби йўналишларга оид ўнлаб бўлимлар ишлади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан маълум қилишларича, мазкур халқаро кўргазмада мамлакатимизнинг қурилиш соҳасида иш юритувчи ўндан зиёд хусусий компанияси иштирок этган. Кўргазма қатнашчилари Ўзбекистон миллий стендида юртимизнинг қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасидаги салоҳияти ва имкониятлари, таклиф этилаётган хизматлар билан танишган.

Кўргазма доирасида Ўзбекистон компаниялари турли мамлакатларнинг нуфузли фирма ва компаниялари билан соҳада ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантиришга келишиб олган. Тадбиркорларимиз томонидан жами ўн беш миллион долларликдан зиёд экспорт шартномалари имзоланган.

– Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор, яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлар фаолиятимиз ривожида муҳим омил бўлаётир, – деди "Nova Impeks" масъулияти чекланган жамияти директори Сардор Бўронов. – Корхонамиз алюминий профиллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Халқаро кўргазмада кўплаб компаниялар билан ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан қатор музокаралар ўтказдик, маҳсулотларимиз экспорти бўйича шартнома туздик.

Ўзбекистон ишбилармонлари томонидан "Turkmen Build – 2016" кўргазмаси доирасида имзоланган ҳужжатлар мамлакатимиздан экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажмини оширишга хизмат қилади.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоийда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари мавзусида семинар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Сенат аъзолари, ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллий ҳокимликлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Самарқандда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан "Биз – буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. Самарқанд шаҳридаги "Динамо" стадионида фестивалнинг якуний гала-концерти чоғида тадбирларда фаол қатнашганлар турли номинациялар бўйича "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ва Самарқанд вилояти ҳокимлигининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

● Нукусда ўтказилган олий таълим муассасалари талабалари ўртасидаги "Солиқ билимдонлари" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида иштирокчиларнинг мамлакатимизда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳияти, ижроси, солиқ ставкалари ва имтиёзлар бўйича билимлари синовдан ўтказилди.

● Термизда "Ёш чегарачилар" ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Жамоалар 12 шарт бўйича билим ва маҳоратини намойиш этди. Термиз шаҳридаги 1-академик лицейнинг "Сарҳад посбонлари" жамоаси биринчи ўринни эгаллади ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

● Бухорода мактаб ўқувчилари ўртасида "Камалак" билимдонлари" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Вилоят халқ таълими бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган танловда 10-14 ёшгача бўлган ўқувчилардан иборат 13 жамоа ўзаро баҳслашди.

ЖАҲОНДА

● Перуда бўлиб ўтган биринчи тур президент сайловларида 38 фоиз овоз тўплаган Кейко Фукимори етакчилик қилмоқда.

● Мексика жанубида 5,8 магнитудали ер қимирлаши содир бўлди.

● Бурундида йўловчиларни элтиб бораётган автобуснинг йўл-транспорт ҳодисасига учраши натижасида 18 киши ҳалок бўлди, 55 та йўловчи турли даражадаги тан жароҳатлари олди.

● Нью-Йорк автосалонида "World Car of the year" халқаро танлови ғолиби номи эълон қилинди. Унга кўра, жами 73 та ҳакам ва журналистларнинг энг кўп овозларини тўплаган "Mazda MX – 5" "Йилнинг энг яхши автомобили" сифатида эътироф этилди. Шунингдек, у "Энг яхши дизайнга эга автомобиль" деб ҳам топилди.

Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси томонидан маъқулланган қонунлар ва қарорлар, Президент фармонлари ва қарорларининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида йиғилиш бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида
ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

Йиғилишда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЁИҲ Кенгаши раислари, ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бош врачлари ва молия бўлими мудирлари, маънавият тарғибот марказининг шаҳар ва туман бўлимлари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С.Сафоев сўзга чиқди.

Маълумки, 2016 йил 31 март ва 1 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Ялпи мажлисда 14 та масала, жумладан 4 та қонун муҳокама этилди.

Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси томонидан маъқулланган қонунлар ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида Сенат аъзолари томонидан жойларда маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва жамоатчилик аъзолари орасида йиғилишлар ўтказилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида ўтказилган ушбу йиғилиш ҳам айнан шу масалага бағишланди.

Унда миллий қонунчилигимизда илк бор "Парламент назорати тўғрисида"ги яхлит Қонуннинг маъқулланган энг эзгу мақсадимиз – демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишга ҳамоҳанг эканлиги таъкидланди.

Мазкур Қонун давлат ҳокимияти бошқарувини демократлаштириш, ҳокимият тармоқлари ўртасида мувозанатни сақлашнинг ишончли тизимини тўлиқ яратишга хизмат қилади.

Қонун шуниси билан ҳам аҳамиятлики, у Сенат ва унинг қўмиталари томонидан олиб борилаётган назорат амалиётининг таъсирчанлигини янада оширади.

Шунингдек, Қонун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан жойларда ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этиши, энг муҳим давлат ва ҳудудий дастурларни бажариш борасидаги фаолияти устидан депутатлик назоратини тўлиқ жорий этишга ҳам хизмат қилиши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, келгусида қонун чиқарувчи ҳокимият назорат ваколатларини амалга оширишнинг қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий норма ва механизмларидан жойларда кенг фойдаланиш учун барча зарур чораларни кўриш кераклиги қайд этиб ўтилди.

Қонунда парламент назорати натижалари бўйича қабул қилиниши мумкин бўлган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларнинг, шунингдек парламент назоратини амалга оширишда парламент назорати субъектлари ва давлат органлари мажбуриятларининг мустаҳкамлаб қўйилиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги билдирилди.

Шунингдек, йиғилишда Сенатнинг бешинчи ялпи мажлисида маъқулланган янги таҳрирдаги "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни атрофлича изоҳланди.

Ушбу Қонун бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш тизимини халқаро принциплар ва стандартларга мувофиқ такомиллаштиришга, бухгалтерия ҳисоби ошкоралигини оширишга, бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш муддатларига аниқлик киритишга, бухгалтерия ҳисоби субъектлари раҳбарларининг ҳамда бухгалтерия хизматлари раҳбарларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ фарқлаб қўйиш орқали уларнинг жавобгарлигини оширишга қаратилганлиги қайд этилди.

Мазкур Қонун бухгалтерия ҳисобини юритиш принципларини, унинг мақсадлари ва вазифаларини тўлиқроқ очиб беришга, ушбу соҳада ошкоралик ва хавфсизликни оширишга, ички назорат тизимини мустаҳкамлашга, бухгалтерларнинг ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг касбий фаолиятини кучайтиришга кўмаклашишга хизмат қилиши таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда Сенатнинг ялпи мажлисида маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг асосий мақсади борасида атрофлича маълумот берилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Конституциянинг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида парламент назоратини ва прокуратура органлари фаолиятининг қонунийлигини кучайтириш заруратига алоҳида урғу берилганди.

Прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш, мамлакатда қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш бўйича прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида жорий йилнинг 19 февраль куни Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссиясини тузиш тўғрисида Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг Қўшма қарори қабул қилинди.

Прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, шунингдек қонун устуворлигини ва қонунийликни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, прокуратура органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳар томонлама ўрганиш ва умумлаштириш, прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳамда уларнинг ишлаш усулларини янада такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш бўйича прокуратура органлари зиммасига юклатилган функцияларнинг самарали бажарилиши устидан мунтазам парламент назоратини амалга ошириш вазифалари Комиссия зиммасига юклатилганлиги маълум қилинди.

Шунингдек, йиғилишда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий вакили (Омбудсман), Адлия бош бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бошқармаси, Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раҳбарларининг кун тартибидаги масалалар бўйича мулоҳазалари тингланди.

МАҲАЛЛА — ВАТАН ИЧРА МЎЪЖАЗ ВАТАН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва вояга етмаган болалари бўлган муҳтож оилаларга, икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга, шунингдек, бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга ҳамда уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нафақалар тайинлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади. Оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадларига марказлаштирилган тарзда ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлайди.

Бу ваколатлар аҳолининг барча қатламини қамраб олишга, маҳаллада яшовчи ҳар бир инсонга манзилли ижтимоий ҳимоя кўрсатилишига замин яратмоқда. Бу миллий қонунчилигимиз, давлатчилигимизга хос тизим бўлиб, бунда ҳеч бир инсон меҳр ва эътибордан четда қолмайди.

"Ўзбек модели"нинг тамойилларидан бири бўлган кучли ижтимоий сиёсат самаралари, уни амалга оширишда маҳалла институтининг ўрни ва мақоми халқаро экспертлар томонидан ҳам кўп бор эътироф этилган.

– Ўзбекистонда фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечириши учун барча имкониятлар яратилган, – дейди Бельгия Сенати фахрий аъзоси Доминик Тилманс. – Бу жараёнда эътиборга молик жиҳати, халқаро стандартларни миллий анъаналарга уйғунлаштирилган ҳолда тараққиётнинг "ўзбек модели" яратилганидир. Ўзбекистонга ҳар гал келганимда ушбу миллий модель бераётган юксак самараларга гувоҳ бўламан. Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари тамойили ўз натижаларини бераётир. Жамоатчилик назорати институти чуқурлашаётгани, хусусан, жамиятда маҳалланинг таъсири кучайгани фуқароларнинг манфаатларини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фондидан олинган маълумотларга эътибор берайлик: 2015 йилда маҳаллалар томонидан кам таъминланган оилаларга 3,5 миллиард сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилган. Фуқароларнинг соғлиғини тиклаш, уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг уй-жойини таъмирлаш бўйича ҳам салмоқли маблағ ажратилган. 398 нафар ногирон ва чин етимларнинг 525,8 миллион сўм ўқув-контракт пули тўлаб берилган. Бу имкониятдан фойдаланганлардан бири Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳридаги 34-Меҳрибонлик уйида тарбияланган Сардора Саидаҳмедовадир. У Тошкент давлат юридик университетида таҳсил олмоқда. Аъло ўқиши, интилувчанлиги билан бошқаларга ўрнак бўлаётган Сардора келгусида Ватанимиз шуҳратини дунёга янада кенгроқ ёйишни мақсад қилган.

Байрамларда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга совға-салом берилаётир. Кам таъминланган оила фарзандларининг соғломлаштириш оромгоҳларида бепул дам олиши ташкил этилмоқда.

Меҳрибонлик, "Саховат" ва "Мурувват" уйларидаги фуқаролар ва тарбияланувчилар, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз кексалар, меҳнат фахрийлари ва ногиронлар кийим-кечак билан таъминланмоқда.

Бу рақамлар замирида меҳр-эътибордан обод қанчадан-қанча кўнгиллар, мушкули осон бўлиб, эртанги кунга ишончи ортган инсонлар бор. Шу боисдан ҳам маҳаллаларимизда соғлом маънавий муҳит қарор топган, ҳар бир хонадон, ҳар бир инсон ўз уйини, маҳалласини, юртимизни обод қилишга ҳисса қўшмоқда. Барча маҳаллаларда, бунинг самарасида бутун мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда.

Маҳаллаларимизда хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ва ҳунармандлик янада ривож топаётир. Ўтган йили мамлакатимиз маҳаллаларида 84 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти иш бошлаган, маҳалланинг кўмаги ва кафиллиги асосида чеварларга имтиёзли кредитлар олиб берилган. Мисол учун пойтахтимизнинг Учтепа тумани Ўрикзор маҳалласида элликка яқин кичик бизнес субъекти фаолият юритмоқда. Тикувчилик цехлари, сартарошхоналар, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконлар, ошхоналар, дорихоналар, пойабзал устахонаси, қариялар оромгоҳи кабилар шулар жумласидандир. Кундалик эҳтиёж учун маҳалла аҳли узоққа боришига зарурият йўқ.

Аҳоли фаровонлигига хизмат қилаётган бундай ишлар кўлами йил сайин кенгаймоқда. Маҳаллаларда аждодлардан мерос бўлиб қолган катталарга ҳурмат, кичикларга иззат ҳикмати, осойишталикнинг муҳим омили бўлган огоҳлик, ёшларни турли нопок йўллардан муҳофаза қилишга қаратилган тарғибот-тушунтириш тадбирлари мунтазамлик касб этаётгани соғлом маънавий муҳит мустаҳкамланишига замин яратмоқда.

Маҳаллаларда тўпланган илғор тажрибаларни оммалаштириш, йиғин ходимларини муносиб рағбатлантириш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Унда зиммасига юклатилган вазифаларни самарали адо этаётган, маҳалла аҳлига таянч бўлаётган, элу юрт учун жонбозлик кўрсатаётган фуқаролар йиғинлари раислари ғолибликни қўлга киритаётир.

Жорий йилнинг май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови бўлиб ўтади. Маҳалла аҳли сайлов жараёнида фаоллик кўрсатиб, номзод кўрсатишда муносибларни танлаши муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг фаолият дастури билан яқиндан танишиш, маҳаллани ривожлантирадиган режага эга номзодга овоз бериш мақсадга мувофиқ. Зеро, маҳаллаларда амалга ошириладиган хайрли ишлар кўп жиҳатдан фуқаролар йиғинлари раисларига боғлиқ.

Маҳалла – муқаддас маскан. Унинг қувончи ҳам, ташвиши ҳам ўзимизники. Маҳалламиз тинч ва обод бўлса, ҳаётимизга файзу барака инади. Жамиятимиздаги меҳр-оқибат, аҳиллик ва бағрикенглик мустаҳкамланади. Мамлакатимиз янада фаровон бўлади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА шарҳловчиси

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатишни тартибга солиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, мазкур соҳадаги ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, шунингдек, бу йўналишда хизмат кўрсатувчи корхоналар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган видеосеминар ташкил этилди.

ЙЎНАЛИШСИЗ ТАКСИЛАР ФАОЛИЯТИ ТАРТИБЛИ БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Унда Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Марказий банк, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликлари ҳузуридаги йўловчи транспортининг барча турлари ва ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментлари, шунингдек, Тошкент шаҳри ва вилоятида фаолият юритувчи аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналар вакиллари иштирок этишди.

Юртимизда йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш, уларнинг ҳаракатланишини қонунийлаштириш, бу борада иш олиб бораётган транспорт корхоналарини қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисада"ги Қарорига асосан 2016 йилнинг 1 январидан транспорт хизмати кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 5 фоизлик ставкаси жорий қилингани ва ишчи-ходимлар сони 25 тадан 50 тага оширилгани қилинаётган ишларнинг амалдаги исботидир.

Ҳозирда мамлакатимизда икки ярим мингга яқин транспорт корхоналари бўлиб, уларнинг тасарруфида 60 мингдан зиёд транспорт воситалари мавжуд. Шундан 31,4 мингтасини енгил автомобиллар ташкил этади. Тармоқ корхоналарида эса 90 мингдан ортиқ ишчи-ходимлар хизмат қилиб келмоқда.

Автомобиль транспортида йўловчиларни ташиш фаолиятини тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майда "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарорга мувофиқ ҳар бир автотранспорт воситаси аниқ талабларга жавоб бериши лозимлиги, хусусан, уларда лицензия карточкаси, таксометр, давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган назорат-касса машинаси ва банк пластик карточкаларидан тўловлар қабул қилиш бўйича тўлов терминали билан жиҳозланган бўлиши керак.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан тегишли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш, автотранспорт воситаларида аҳолига ноқонуний равишда пулли хизмат кўрсатишга барҳам бериш мақсадида текширув-назорат тадбирлари уюштирилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган тадбирлар давомида беш ярим мингтага яқин жисмоний шахслар ноқонуний фаолият билан шуғулланаётганлиги аниқланди.

Семинарда ўтказилаётган назорат тадбирларидан кўзланган мақсад, автомашиналарида йўловчиларга хизмат қилаётган фуқароларни жазолаш эмас, балки улар фаолиятини қонунийлаштириш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлашга қаратилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилиш доирасида тадбиркорларнинг муаммо ва таклифлари ўрганилиб, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутасадди ходимлар томонидан жавоб қайтарилди.

Абдуалим САЛИМОВ

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Комбинатда энергия самарадорлигига эришиш, энергия ресурслари сарфини камайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига комбинат бош энергетиги Д.Тимошук. – Бугунги кунда иккита лойиҳани амалга оширдик. Жумладан, мис бойитиш фабрикаси қолдиқларни жойлаш цехининг 2А пульпонасос станциясида 6 кВли частотали ўзгартиргич ўрнатилди. Шунингдек, рух ва мис эритиш заводларининг компрессор станциялари техник қайта жиҳозланди. Бунинг натижасида 2015 йилда эришилган иқтисодий самарадорлик 12,5 миллион киловатт-соат электр энергиясини ташкил қилди.



Отабек Мирсоатов олган суратлар

2016-2017 йилларда ҳам Олмалиқ кон-металлургия комбинатида бу борадаги ишлар давом эттирилади. Таркибида мис ва олтин мавжуд бўлган концентратни фильтрлаш ҳамда қуритиш участкаси, 54-нимстанциянинг реконструкция қилиниши, мис эритиш заводи компрессор станциясининг техник қайта жиҳозланиши кўзда тутилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, табиий газ 17,4 миллион куб метр ва электр энергияси эса 48 миллион киловатт-соат тежалиши кутилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги учун ўғитлар ишлаб чиқарадиган "Максам-Чирчиқ" ва "Аммофос-Максам" акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқариш объектларининг энергия самарадорлигини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, "Максам-Чирчиқ" акциядорлик жамиятида "Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш" лойиҳаси доирасида 103 позициясидаги табиий газ билан ишлайдиган оловли иситгич 107 позициясидаги риформинг печининг иссиқлик аппаратураси блокига ўтказилди. Бунинг самарасида "зангори олов" тежалади, атмосферага чиқариладиган зарарли газлар миқдори қисқаради. Шунингдек, риформинг печининг тутун газлари иссиқлигидан фойдаланиш даражаси ошади ва атмосферага чиқарилаётган тутунлар ҳарорати камаяди.

"Аммофос-Максам" акциядорлик жамиятида журналистларга қуввати 800 киловатт бўлган юқори вольтли 5 электр моторини анча энергия тежамкор моторларга алмаштириш бўйича амалга оширилган лойиҳа натижалари хусусида маълумот берилди. Аввалларигидек эскирган ускуна йилига 24,8 миллион киловатт-соат электр энергияси сарфлаган бўлса, қуввати 630 киловаттли янги қурилмаларнинг ўрнатилиши самарасида электр энергияси истеъмолини йилига 5,2 миллион киловатт-соатдан ортиқ камайтиришга эришилди.

"Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти корхоналарида ҳам энергия самарадорлигини ошириш бўйича лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, медиатур доирасида журналистлар "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамиятининг "Ўзбекистон" пахтани қайта ишлаш заводига ташриф буюрди. Фойдаланиладиган электр энергиясини қисқартириш мақсадида акциядорлик жамияти томонидан қуёш батареяларида ишлайдиган 1200 дона кўча чироқлари харид қилинди. Бу ёритиш техникаси билан жиҳозланиш даражаси, шунингдек, пахтани қайта ишлаш заводлари тайёрлов пунктларининг ташқи қиёфаси ва инфратузилмасини тубдан ўзгартириш имконини бермоқда. Шу билан бирга, энергия истеъмолини камайтириш, компрессор ускуналар ва частотали ўзгартиргичлар қўлланган ҳолда электр двигателларини ҳимоя қиладиган янги автоматлаштирилган қурилмаларни жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Айни пайтда корхоналарни замонавий, электр самарадорлиги юқори бўлган линтер ускуналари асосида техник қайта жиҳозлаш масалалари ҳал қилинмоқда.

"Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти прогнозлаш ва иқтисодий таҳлил бошқармаси бошлиғи Д.Рафиқовнинг таъкидлашича, мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши соҳа корхоналари энергия самарадорлигини бир неча марта ошириш имконини берди. Хусусан, қуёш батареяларида ишлайдиган кўча чироқларининг ўрнатилиши ҳисобига пахтани қайта ишлаш заводлари тайёрлов пунктларининг кенг ҳудудларини ёритишда электр энергияси сарфи сезиларли даражада камайди. Йиллик тежалган электр энергияси 3,5 миллион киловатт-соатдан ошди.

Медиатур якунида журналистларга "Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш" лойиҳаси доирасида мамлакатимиздаги 32 саноат корхонасида жами 81 лойиҳа амалга оширилаётгани маълум қилинди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ушбу лойиҳалар йилига 539 миллион киловатт-соатдан ортиқ электр энергияси ва 252 миллион куб метрдан зиёд табиий газни иқтисод қилади. Шу тариқа мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ва 2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурида белгиланган мақсадларга эришишга салмоқли ҳисса қўшилади.

Меҳрибон МАМЕТОВА



Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

САЛОМАТЛИК ВА АТРОФ-МУҲИТ

Инсон ҳаёти давомида табиатнинг беминнат саховати, инъоми ва марҳаматидан доимо баҳраманд бўлади. Шу боис, инсоният ва атроф-муҳит бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Кейинги пайтларда давлатимиз томонидан атроф-муҳит муҳофазасига бўлган эътибор янада кучайтирилиб, бу борада муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Лекин инсонларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири натижасида бир қатор экологик муаммоларнинг келиб чиқаётгани ҳам сир эмас. Иқлимнинг ўзгариши, атмосферанинг ифлосланиши, озон қатламининг емирилиши ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундай глобал муаммоларнинг келиб чиқиши, нафақат она табиатга салбий таъсир ўтказади, балки жамики мавжудот, инсонлар соғлиғига ҳам катта хавф солиб келмоқда. Тарихий ривожланиш, тараққиёт, фан ва техника ривожи, автотранспортнинг кўпайиши, табиий бойликларнинг тезкорлик билан ўзлаштирилишининг табиатга таъсири юқори даражага етди. Натижада атроф-муҳитнинг зарарли чиқиндилар билан ифлосланиши муаммоси келиб чиқди ва бу жараён тобора кучайиб бормоқда. Бу эса турли хил касалликларнинг келиб чиқишига замин яратмоқда. Ҳозирги кунда атмосфера ҳавосининг ифлосланишида автотранспортнинг ҳиссаси ошиб бормоқда. Тошкент шаҳрида ҳаво ифлосланишининг 70 фоиздан ортиғи автотранспорт ҳиссасига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики турли хил касалликларнинг 65 фоизи атмосфера ҳавосининг ифлосланганлигидан юзага келмоқда. Масалан, шаҳарлар ва саноат туманларида кишилар ўртасида сурункали бронхит, нафас қисиши ва ўпка раки касалликларининг кўпайиши кузатилмоқда.

Агар ҳавода олтингугурт оксиди кўп тўпланиб қолса, кишиларда бронхит, гастрит, ўпка касалликлари вужудга келади. Углерод оксидининг ҳавода кўпайиши натижасида киши организмида гемоглобин камаяди, юрак қон-томир тизимлари бузилади, бош айланади, юрак тез уриб, уйқу бузилади. Водород сульфид газининг ортиб кетиши натижасида одамларнинг боши оғрийди, қайт қилади, дармонсизланади, ҳид билиш қобилияти заифлашади, фтор бириқмалари таъсирида бурундан қон келади, тумов пайдо бўлади.

Шаҳарда инсон соғлиғи учун зарарли атмосфера ҳавосидан кейин салбий таъсир қилувчи иккинчи омил бу — шовқиндир.

Катта шаҳарлардаги шовқин инсон умрини ўртача 8-12 йилга қисқартиради. Атроф-муҳитдаги салбий ўзгаришлар инсон соғлиғига зарар етказаётган экан, келиб чиқаётган зарарларнинг олдини олиш чораларидан бири атроф-муҳитни кўкаламзорлаштиришдир. Ўсимликлар атроф-муҳит санитария-гигиена ҳолатини яхшилайди, шамол кучини пасайтириб, шовқинни пасайтиради, Ҳавони тозалаб, ҳароратни мўътадиллаштиради, шунингдек, инсонлар соғлиғини яхшилашга ёрдам беради. Шундай экан, атроф-муҳит озодалигини сақлашнинг чораларидан бири аҳоли ўртасида экологик таълим ва маданиятни шакллантириб боришдир. Бу албатта, келажак авлоднинг соғлом, бақувват ва баркамол ўсишини таъминлайди.

Мадина МУСАЕВА,
Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институтининг услубчи шифокори

2015 йилда Тошкент шаҳридаги 223 та энг йирик корхоналар томонидан экологик ҳолатни яхшилашга қаратилган 1 345 та чора-тадбирларни ўз ичига олувчи дастурлар ишлаб чиқилди.



Ободлик, орасталик — элу юрт файзи

ЎзА олган сурат

ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИГА ҚАРАТИЛГАН

чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда

Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси томонидан пойтахтдан оқиб ўтувчи каналларни тозалаш ва ободонлаштиришга қаратилган 126 та чора-тадбирлар, 222 та корхона ва ташкилотлар томонидан ўз ҳудудларида табиатни муҳофаза қилишга қаратилган 1 219 та тадбирларни ўтказиши, "ASP SELTA" МЧЖ ва "NEO SUN LIGHT" МЧЖ томонидан таркибида симоб токсик моддаси бўлган 410 000 та лампаларни утиллаштиришга қаратилган ишларнинг амалга оширилиши шулар сирасига киради.

2015 йилда чора-тадбирлар 4 та асосий гуруҳга бўлинган ҳолда бажарилди. Яъни, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш борасида 176 та корхонада 407 та, сув ресурсларини муҳофаза қилиш юзасидан 137 та корхонада 437 та, ер ва маъданли хом ашё ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича 173 та корхонада 335 та, ниҳоят кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш йўналишида 154 та корхонада 166 та чора-тадбирлар амалга оширилди.

Экологик ҳолатни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар режаларининг бажарилиши натижасида атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи зарарли моддалар чиқарилиши 209 тоннага камайди: углерод оксиди – 104,5 т/йил; углеводородлар – 31,33 т/йил; азот оксиди – 27,9 т/йил; ноорганик чанг – 10,0 т/йил; бошқа заҳарли газлар – 35,1 т/йилга камайиб, шаҳримиз экологияси яхшиланди.

Шунингдек, 5 830,0 тонна тоза ичимлик суви иқтисод қилинди; таркибида симоб токсик моддаси бўлган 404 593 дона лампалар утиллаштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тасдиқланган дастур бўйича баҳорги кўкаламзорлаштириш мавсумида корхона ва ташкилотлар томонидан 316 562 та мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

А.Қодирий ва Ғ.Ғулом кўчалари чорраҳасида янги йўл ўтказгич мажмуасининг қурилиб ишга туширилиши натижасида автотранспортлардан ажраладиган зарарли моддаларни 70 т/йилга камайтириш имкони юзага келди.

Бундан ташқари, шаҳарнинг 120 дан ортиқ чорраҳаларида йўл ҳаракатини автоматик тарзда бошқариш тизими йўлга қўйилмоқда. Мазкур тизимнинг ишга туширилиши орқали, атмосфера ҳавосига автотранспортлардан ташланадиган зарарли моддалар миқдорининг йилига 10,0 тоннадан ортиқ камайишига эришилади.

Хулоса қилиб айтганда, шаҳримиз экологиясини яхшилаш борасида барча корхона ва ташкилотлар мутасадди идоралар билан ҳамкорликда бир қанча самарали ишларни амалга оширмоқда.

Зеро, она табиатни асраб-авайлашга, атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга барчамиз бирдек масъулдирмиз.

Жамшид ИШЧАНОВ,
Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг бўлим бошлиғи

ҚОИДАЛАРГА АМАЛ ҚИЛИШ — БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Ҳуқуқий демократик давлат асослари қурилаётган бир вақтда барчамиз мавжуд қонун-қоидаларга, амалдаги тартибга риоя қилишимиз жуда муҳим. Акс ҳолда қуйидаги каби айрим нохуш ҳолатлар юзага келиши мумкин.

Олмазор туманидаги 472-сонли мактабгача таълим муассасаси маъмурияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.10.2014 йил кунидаги 290-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида" ги Низом талабларига риоя этмасдан, яъни Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан тегишли тартибда рухсати олинмасдан мазкур таълим муассасаси ҳудудидаги беш туп терак, бир туп ўрик ҳамда икки туп чинор дарахтлари ноқонуний тартибда кесиб ташланган. Натижада Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2015 йил 4 декабрда тузилган 15-1153-сонли далолатномаси ва унга иловага мувофиқ мазкур таълим муассасасидаги юқорида таъкидланган барча дарахтлар кесилиши натижасида жами 48.644.640 сўм, яъни кўп миқдорда ўсимлик дунёсига зарар етказилганлиги аниқланган. Мазкур ҳолат юзасидан 2015 йил 21 декабрда Олмазор туманидаги 472-сонли мактабгача таълим муассасаси мансабдор шахсларига нисбатан ЎзР ЖКнинг 198-моддаси экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилишнинг 2-қисми, яъни дов-дарахтларни қонунга хилоф равишда кесиш орқали кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлганлиги туфайли жиноят иши қўзғатилган.

Юқорида бевосита қайди баён этилган жиноят ижрочиси Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг тегишли ажримига асосан ЎзР ЖКнинг 198-моддаси 2-қисми билан гумонланувчи тариқасида жалб этилган М. Эгамбердиевага (исми-шарифи ўзгартирилган) оид жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 3 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида" ги қарорининг 5-бандига кўра ЎзР ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисмининг 2-бандига асосан унинг айблилик масаласи ҳал қилинмай туриб, ҳаракатдан тугатилган.

Қонун барчага баробар. Ўйлаймизки, юқоридаги каби ноқонуний тартибдаги хатти-ҳаракатларнинг охири вой бўлиши бошқаларга ҳам ибрат бўлади.

Саидкарим МУХТОРОВ,
Олмазор туман прокурори, адлия маслаҳатчиси,
Дурдона ФАЙЗИЕВА,
ҳуқуқшунос

Жараён

ЯШИЛЛИК ОЛАМИ — ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Бугунги кунда Тошкент, том маънода мегаполис шаҳарлардан бирига айланган. Пойтахтимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари нафақат шаҳар аҳолисига қулай яшаш шароитини яратмоқда, балки бу ерга ташриф буюраётган меҳмонларнинг ҳам ҳавасини келтирмоқда.

Айниқса, кейинги йилларда олиб борилаётган кўкаламзорлаштириш, "яшил ҳудуд"лар барпо этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар таҳсинга лойиқдир. Умумий майдони 34,8 минг гектарни ташкил этувчи шаҳарнинг фойдаланиладиган қисми 7 минг гектардан, кўкаламзорлаштирилган жойлари эса 15,2 минг гектардан иборат эканлиги шундан далолат беради.

Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳрида 220 турдан ортиқ дарахт ва буталар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти қарағай, қора арча, эман, қайрағоч, қора қайин, катальпа, шарқ чинори ҳисобланади. Қолаверса, шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида баҳор ва куз фаслларида оммавий равишда дарахт кўчатлари экилаётгани ҳам бу борадаги ишларни янада жадаллаштирмоқда.

Айтиш жоизки, шаҳарда кўкаламзорлаштириш ишларига ўтган асрнинг 60-йилларида киришилган бўлиб, у ўша пайтдаги зилзиладан сўнг шаҳар ҳудудининг кенгайиши билан боғлиқ. Ўшанда дарахт кўчатларининг етишмаслиги натижасида маҳаллий шумтол, заранг, глядиче ҳамда терак, чинор, тол каби дарахт кўчатларидан фойдаланилган.

Бундан ташқари, шаҳардаги истироҳат боғлари ва турли дам олиш хиёбонлари ҳам лола дарахти, магнолия, липа, қоғоз дарахти, гинко, япон сафораси, самшит, кипарис каби четдан келтирилган экзотик ўсимликлар билан бойитилаётгани унинг чиройига янада чирой бағишлаяпти. Аслида, кўкаламзорлаштириш талабларида яшаш жойларида аҳоли жон бошига тўғри келиши керак бўлган кўкаламзорлаштириш меъёри 50 квадрат метр бўлиши белгиланган бўлса-да, ҳозирги кунда пойтахтимизда бу кўрсаткич 69 квадрат метрни ташкил этмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон пойтахтининг қуруқ ва иссиқ иқлим шароитига қарамасдан, кўкаламзорлаштириш даражаси Санкт-Петербург, Пекин, Москва, Сиэтл каби йирик шаҳарлардан 2-3 маротаба ортиқ эканлиги қувонарли ҳолдир.

Манбаларга кўра, юқорида кўрсатилган дарахтларнинг айримлари, хусусан, терак ва чинорларда биологик камчиликлар мавжуд. Масалан, тераknинг айрим турлари баҳор фаслида ўзидан момиқ чиқарса, чинор дарахти барг чиқаришида унинг орқасида майда қилчалар пайдо бўлади. Шу билан бирга, унинг тўкилган хазон барглари йил давомида атроф-муҳит кўринишига салбий таъсир кўрсатади. Бу, табиийки, инсон соғлиғи учун зарарли. Аллергик касалликлар қўзғалишига сабабчи бўлади. Шу боис кейинги йилларда бундай дарахтлар ўрнига ҳам фойдали, ҳам манзарали дарахт ва ўсимликлар экишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Бундан ташқари, ўтган йили Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига дов-дарахтларнинг кесилиши билан боғлиқ 1000 га яқин мурожаат келиб тушган бўлса, барчаси мутахассислар томонидан ўз вақтида ўрганиб чиқилган.

Лекин аксарият ҳолларда дарахтларнинг кесилиши масаласини жойида ўрганмасдан ёки суриштирмасдан туриб, асоссиз равишда қилинаётган шикоятлар ҳам учраб туради. Ана шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 2014 йилнинг 20 октябрида Вазирлар Маҳкамасининг "Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида"ги қарори ҳам қабул қилинган. Шу сабабли, қўмитамиз инспекторлари томонидан ўсимлик дунёсини асраш юзасидан доимий назорат ўрнатилган.

Яна бир эътиборли жиҳати, шаҳримизда экоархитектурага ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Яъни сўнгги йилларда ана шу омил инобатга олингани ҳолда пойтахтнинг Беруний кўчасидан Чиғатой дарвоза, Сариқсув, Қорасарой кўчаларида янги автомобиль ҳалқа йўлининг қурилиши, Анҳор канали қирғоғининг Навоий кўчасидан "Шаҳидлар майдони"гача бўлган қисмининг тубдан ободонлаштирилиши, Чоштепа кўчасининг замон талабларига мос даражада кенгайтирилиши ва бошқа ишлар туфайли транспорт ҳаракатлари яхшиланиши баробарида, аҳоли учун ҳам қулай яшаш муҳити яратилди.

Мухтасар қилиб айтганда, бугунги кунда амалга оширилаётган бу каби ишлар пойтахт аҳли ва меҳмонларига янада қулай яшаш ва дам олиш имконини бераяпти. Шу билан бирга, бу сайъ-ҳаракатлар ҳудудни экологик жиҳатдан тоза шаҳарга айлантиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Зеро, мусаффо ҳаво ва гўзал манзаралар соғлом турмуш гаровидир.

Шаҳло АБДУЖАЛИЛОВА,
Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш гуруҳи мутахассиси

ЖАҲОН ТАРИХИДА ЎРНИ БЕҚИЁС

Пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишлаб "Амир Темур – буюк саркарда ва давлат арбоби" мавзуида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбир Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, "Камолот" ЁИҲ Чилонзор туман Кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси томонидан ташкил этилди. Унда шоир ва ёзувчилар, тарихчи-олимлар, "Баркамол авлод" болалар ижодиёт маркази ҳамда тумандаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари қатнашди.

Кўтаринки кайфиятда ўтган тадбирда сўзга чиққан тарих фанлари доктори Убайдулла Уватов, Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов ва бошқалар Амир Темур шахси ва у билан боғлиқ тарихий ҳақиқат қарор топгани, Соҳибқироннинг бой маданий-маънавий меросини ўрганиш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтишди.

Тадбирда "Амир Темур – буюк саркарда ва давлат арбоби", "Темурийлар аждодларининг исмлари ҳақида" мавзуларидаги маърузалар ўсиб келаётган авлод қалбида Соҳибқирон бобомизга бўлган чексиз муҳаббатнинг шаклланишига ҳисса қўшиши шубҳасиз. Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи қошидаги "Дурдона" фольклор-этнографик ансамбли раҳбари, халқаро фестиваллар совриндори Маҳфуза Боймирзаева, "Улуғбек юлдузлари" вокаль ансамбли хонандалари Салоҳиддин Мўминов ва Бахтинур Кўчқоров томонидан куй-қўшиқлар ижро этилди, "Баркамол авлод" болалар ижодиёт марказининг "Турончилар" болалар спорт гуруҳи ва рақс жамоаларининг чиқишлари барчага манзур бўлди.

* * *

"Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳарча Етакчилар Кенгаши томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Тошкент молия институти ва Тошкент давлат юридик университети ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" марказида "Соҳибқирон Амир Темур сиймоси – ватанпарварлик тимсоли" мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидан вакил ва Тошкент молия институти ва Тошкент давлат юридик университетининг талабалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳарча Етакчилар Кенгаши ходимлари иштирок этди.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудини кенг нишонлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда буюк бобокалонимизнинг бунёдкорлик ҳамда миллат маънавиятини юксалтириш йўлида олиб борган ишлари эътироф этилди. Амир Темур тарихий шахс, ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, буюк саркарда, кучли ва марказлашган давлат асосчиси сифатида унинг илм-фан ва маданият соҳасида олиб борган ишлари яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

– Амир Темур буюк шахс, саркарда, адолатли шоҳ, моҳир дипломат сифатида дунёда довруғ қозонган, – дейди "Камолот" ЁИҲ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши мутахассиси Ш.Шодмонова. – Халқаро савдо-сотиқ, жаҳон илм-фани ривожига беназир ҳисса қўшган. Қарийб етти юз йилдан буён асл таровати ва маҳоратини йўқотмаган обидалар, бугун юртимизда барпо этилаётган замонавий иншоотларда бобокалонимизнинг қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг, деган сўзларида ўз ифодасини топмоқда. Амир Темур давлат арбоби бўлиш билан бирга халқпарвар, инсонпарвар ҳукмдор бўлиб тарихда ўчмас из қолдирганлигини кўплаб ислоҳотларда кўриш мумкин.

Давра суҳбатида талабалар Амир Темур ҳақидаги билимларини янада ошириб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Зиёда РАСУЛОВА

АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАВЕРАДИ

Тошкент вилоятида жойлашган Угом-Чотқол давлат Миллий боғи ташаббуси билан пойтахт, вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Халқаро экология ва саломатлик "ЭКОСАН" фонди, "Экомактаб" нодавлат нотижорат ташкилоти ва Тошкент давлат аграр университети ҳамкорлигида Бурчмулла ўрмон хўжалиги ҳудудида мазкур хўжаликка дарахт кўчатлари экиш ҳамда ўрмонларни муҳофаза қилишга бағишланган акция ташкил этилди.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ахборот маркази раҳбари, кимё фанлари номзоди Хония Асилбекова мазкур акция БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2012 йилда қабул қилинган "Халқаро ўрмонлар куни" доирасида ўтказилаётганига эътибор қаратди.

Мамлакатимиз миқёсида ўрмонларда кўчат экиш тадбирлари, декоратив-кўкаламзорлаштириш, мева боғларини яратиш, қум барханларини техник маданий кўчатларни экиш одат тусига кирган бўлиб, мазкур тадбирлар мунтазам амалга оширилади. Бугунги ўрмон фонди ҳудуди мамлакатимизда 1990 йилга нисбатан 2 баробарга ошганини эътироф этиш ўринли.

Акцияга ташриф буюрган Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, "ЭКОСАН" фонди, "HOME MARKET" ва "Murad Building" корхоналари ходимлари, ТДАУ талабалари Тошкент – Бурчмулла трассасининг ўнг биқинидаги Чирчиқ дарёсининг эски ўзанида каштан дарахти кўчатларини экдилар.

Тадбир якунида иштирокчиларга ўрмон хўжалиги питомнигида турфа кўчатлар етиштирилаётган майдонлар кўрсатилди. "ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди бўлим бошлиғи Собиржон Абдуллаев Фонд ҳақида маълумот бера туриб, унинг "Анъаналарни тикла – дарахт эк!" акцияси доирасида Яккасарой маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчилари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб кўчат экишга чорлаб Тошкент шаҳрининг 23-сонли Меҳрибонлик уйи, 287- ва 84-умумтаълим мактабларида кўчат экиш тадбирлари ўтказилганини мамнуният билан таъкидлаб ўтди.

Миркарим МИРСОВУРОВ,
"ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди бўлим бошлиғи

Спорт янгиликлари

Пойтахтимизда "Универсиада — 2016" спорт ўйинлари дастуридаги футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи ва бокс бўйича минтақавий саралаш мусобақалари бошланди.

ҒАЛАБА УЧУН МАЙДОНГА ТУШАМИЗ

Унда Тошкент шаҳри, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари терма жамоалари мусобақанинг финал босқичига чиқиш учун баҳс олиб бормоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли спорт ўйинлари – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақалари юртимиз келажаги бўлган ёш авлодни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Бу тизимнинг юқори бўғини – Универсиада олий таълим даргоҳларида таҳсил олаётган ёшлар ўртасида спортни янада оммалаштириш, халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчиларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мусобақалар Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти, Ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар бокс мактаби ҳамда "Пахтакор" футбол клуби қошидаги 16-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бўлиб ўтмоқда.

– Универсиада мусобақасининг баскетбол тури бўйича минтақавий саралаш босқичида илк рақибимиз жиззахлик тенгдошларимиз билан куч синашиб, ғалаба қозондик, – дейди пойтахтлик Алишер Индаев. – Ирода ва маҳорат синови бўлган Универсиада мусобақасининг финалида муносиб иштирок этиш – асосий мақсадимиз.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири





Муҳаммад Амин олган суратлар

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларини ошириш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ёшларнинг футболга бўлган интилишлари қўллаб-қувватланмоқда.

ФУТБОЛ ЯНАДА ОММАЛАШМОҚДА

Шу кунларда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Камолот кубоги" футбол мусобақаларининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтмоқда.

— Мусобақанинг асосий мақсади ёшларнинг жисмоний ривожланишини такомиллаштириш, футболни янада оммалаштириш, уларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига доимий жалб қилиш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, — дейди "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши "Спорт, саломатлик ва экология" лойиҳалари бўлими мудири Қаҳрамон Мауленов, — жорий йилнинг 25 мартига қадар туман босқичларида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида мусобақанинг биринчи босқичи ўтказилди. Саралаш босқичида 11 та жамоа номи маълум бўлди.

"А" гуруҳида Яккасарой маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи, ТПТИ қошидаги академик лицейи, Россия давлат нефть ва газ университети қошидаги академик лицейи, "Б" гуруҳида Республика дизайн коллежи, Ю.Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи, Тошкент молия ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи, "С" гуруҳида Олмазор политехника коллежи, Яшнобод компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи, 2-Республика тиббиёт коллежи, "Д" гуруҳида Тошкент темир йўл муҳандислари институти қошидаги 2-сон академик лицейи, Тошкент геодезия ва картография касб-ҳунар коллежи жамоалари ўзаро беллашди.

Мусобақанинг биринчи кун саралаш ўйинлари якунларига кўра ТПТИ қошидаги академик лицейи ва Россия давлат нефть ва газ университети қошидаги академик лицейи учрашувида 2:5 ҳисоби қайд этилди.

Ю.Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи ва Тошкент молия ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи жамоалари ўртасидаги ўйин 1:1 ҳисобида якунланди.

Яшнобод компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи ва 2-Республика тиббиёт коллежи учрашувида 1:0 ҳисоб қайд этилди.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти қошидаги 2-сон академик лицейи ва Тошкент геодезия ва картография касб-ҳунар коллежи учрашувида асосий вақтда 2:2 ҳисоб қайд этилгач, пеналтилар сериясида муҳандислар лицейи жамоасининг қўли баланд келди, ҳисоб 5:3.

Қ.ЗОКИРОВ

"ЛОКОМОТИВ" МУХЛИСЛАРНИ ХУШНУД ЭТДИ

Икки кун мобайнида қитъамизда футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси турнирининг гуруҳ беллашувлари бўлиб ўтди.

Осиё чемпионлар лигаси гуруҳларида иштирок этаётган мамлакатимиз жамоалари 4-турда битта ғалаба, битта дуранг, иккита мағлубият натижа қайд этишди.

Ўзбекистон чемпионатида муваффақиятли қатнашаётган "Локомотив" Осиё чемпионлар лигасида ҳам ишончли ҳаракат қилаётгани таҳсинга сазовор.

Осиё чемпионлар лигасининг 4-турида Тошкентда Эроннинг "Фулад Сепоҳон" клуби билан куч синашган темирйўлчилар муросасиз ва шиддатли курашлар остида кечган баҳсда 1:0 ҳисобида зафар қучишди. Темурҳўжа Абдуҳолиқов 54-дақиқада меҳмонлар дарвозасига гол киритди.

Шундай қилиб ўтказилган 4 та учрашувнинг 2 тасида ғалаба қозонган ҳамда 2 та ўйинда мурроса йўлини танлаган "Локомотив" 8 очко жамғариб, кейинги босқичга чиқиш учун яхши имкониятга эга бўлиб олди.

Осиё чемпионлар лигаси гуруҳларининг 4-турида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган жамоалар қуйидаги натижаларни қайд этишди. "Насаф" — "Ал-Жаиш" (Қатар) — 0:0, "Зобаҳан" (Эрон) — "Бунёдкор" — 5:2, "Тракторсозы" (Эрон) — "Пахтакор" — 2:0.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Бўстонлиқ туманидаги "Аллюр" от спорти клубида ёш чавандозлар ўртасида халқаро мусобақа ўтказилди. Ушбу турнирда 1998-2004 йилларда туғилган ёш чавандозлар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

ЁШ ЧАВАНДОЗЛАР МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИЛДИ

Баландлиги 110 сантиметр бўлган тўсиқлардан ошиш бўйича ўтган беллашувларда Миррауф Одилов "Рижана" лақабли тулпори билан мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди. 125 сантиметрли йўналишда эса Абдушукур Собиржоновга тенг келадиган топилмади. Россия, Германия ва Қирғизистондан ташриф буюрган спортчилар ўртасидаги терма жамоалар баҳсида ҳам вакилларимиз ғалаба қозонди.

Шунингдек, "От спорти федерацияси кубоги" учун кечган баҳсларда Абдулазиз Собиржонов қолган чавандозлардан кўра маҳоратлироқ эканлигини исботлаб, федерация кубогини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

ДЗЮДОЧИМИЗ РЕЙТИНГДА ЮҚОРИЛАДИ

Халқаро дзюдо федерацияси Тбилисидаги дзюдо бўйича халқаро Гран-при мусобақасидан сўнг полвонларнинг янги рейтинг жадвалини эълон қилди.

Бу сафарги рейтингда сўнгги Гран-прида ижобий натижа кўрсата олган ҳамюртимиз — Диёрбек Ўрозбоев шахсий кўрсаткичларини янада яхшилашга эришди. Мусобақа ғолибига айланган спортчимиз беш поғона юқорилашга муваффақ бўлди.

Мамлакатимиз дзюдочилари орасида ўз вазн тоифалари бўйича Ришод Собиров олтинчи, Шарофиддин Лутфуллаев еттинчи, Яҳё Имомов ва Абдулла Тангриев йигирма иккинчи қатордан жой олди. Шунингдек, Мирали Шарипов ҳам рўйхатда олтита ўринга кўтарилган.

Дунё рейтинги етакчилари орасида эса Жанубий Кореядан Ким Вон Жин, Ан Баул, Ан Чангрим, Дон Хан Гваклар, Грузия вакили Автандили Тчрикишвили, Озарбойжондан Элмар Гасимов ҳамда француз Тедди Ринер ўз вазнларида пешқадам бўлиб туришибди.

Ботир ХЎЖАЕВ

Санъат

ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзбеккино" миллий агентлигининг "Миллий кинематография санъатини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги режалар" тўғрисида навбатдаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда адабиёт, таълим, маданият, санъат ва бошқа ижодий соҳалар ривожига алоҳида эътибор берилмоқда.

Тадбирда киношунос олимлар, режиссёрлар, актёрлар ва соҳа мутахассислари иштирок этиб, "Ўзбеккино" миллий агентлиги бош директори О.Мусаев бошчилигида Президентимиз раҳнамолигида кинематография соҳаси ҳам изчил ривожланаётгани, кино санъатининг халқимиз ҳаётида, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 мартдаги "Ўзбеккино" миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига биноан Агентлик учун 15 та бадиий, 10 та мультипликацион, 20 қисмли ҳужжатли, илмий-оммабоп кинофильм, 60 соатлик ўқув-услубий видеофильмлар яратиш йиллик ишлаб чиқариш ҳажмлари тасдиқланган, — дейди "Ўзбеккино" миллий агентлиги бош директори О.Мусаев. — 2016 йилнинг 1-чораги давомида Давлат буюртмаси асосида 6 та бадиий, 2 та мультипликацион, болалар юмористик киножурналининг 1-2-сони, 12 та ҳужжатли, илмий-оммабоп ва ўқув фильмлари ишлаб чиқаришга тушурилган. Суратга олиш ишлари тасдиқланган календарь режаси асосида олиб борилмоқда.

Шунингдек анжуманда Соғлом она ва бола йилида "PROLogue" – ёш киноижодкорлар томонидан суратга олинган қисқа метражли фильмлар II Республика фестивали ўтказилиши, ноябрь ойида бўлиб ўтадиган "Ёшлар ҳафталиги" доирасида ташкил этиладиган мазкур фестивалда 35 ёшгача бўлган киноижодкорлар сўнгги икки йил мобайнида суратга олган қисқа метражли бадиий фильмлари билан қатнашишлари маълум қилинди. Миллий ва жаҳон кино асарлари дурдоналарини халқимизга кенгроқ намойиш этиш мақсадида мамлакатимизда ва бир қатор хорижий давлатларда кинофестиваллар ўтказиш режалаштирилганлиги ҳамда кинематография соҳасида олиб борилаётган ишлар, галдаги режалар, режиссёр ва кинодраматурглар тайёрлаш, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш каби масалалар муҳокама этилди.

Зафар НАЗАРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

O'ZSANOATQURILISHBANK

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ кенг танлов асосида юқори даромадли депозитларни қулай шартлар билан таклиф этади.

Миллий валютадаги омонатлар:

"Коммунал тўловлар учун"	"Она ва бола"
Омонат тури – миллий валютадаги жамғарма омонати. Муддати – 12 ой. Қўшимча шартлари – ҳар ойда ҳисобланган фоизлар фақат коммунал тўловлари учун ўтказиб берилади.	Омонат тури – миллий валютадаги муддатли омонат. Муддати – 4 ой. Қўшимча шартлари – омонат бўйича ҳисобланган фоизлар ҳар ойда олдиндан тўлаб берилади.

Хорижий валютадаги омонатлар:

"Самарали"	"Эътироф"
Омонат тури – АҚШ долларидаги жамғарма омонати. Муддати – 12 ой. Қўшимча шартлари – омонатга қўшимча маблағ қабул қилинади, фоизлар хорижий валютада тўлаб берилади.	Омонат тури – АҚШ долларидаги жамғарма омонати. Муддати – 4 ой. Қўшимча шартлари – омонатга қўшимча маблағ қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича миллий валютада тўлаб берилади.

• "Ўзсаноатқурилишбанк"даги аҳоли омонатлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.
• Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 140-66-32, 140-66-33.
Хизматлар лицензияланган

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **13 апрель** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5, кундузи — 20-22 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **13 апрелда** ва **14 апрель** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги тизимидаги "Автодарётрансилм" Давлат илмий-методик маркази жамоаси марказ бош директори Акмал Махшарович Абдуллаевга опаси

МУБОРАКХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

RESPUBLIKA MULK MARKAZI RMM КЎЧМАС МУЛК БОЗОРИ УЮШМАСИ

"Respublika mulk markazi" АЖ - 20 йиллик вақт билан синалган ишончли ҳамкор.

Хўжалик жамиятлари устав фондидаги улушлар, асбоб-ускуналар, автомототранспорт воситалари ва бошқа турдаги мулкларнинг оммавий савдоларига таклиф этамиз.
Телефон: (0 371) 228-79-52, 228-80-31. **www.rmm.uz**

"Respublika mulk markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога "Тошкент метрополитен" ДУКнинг 4.04.2016 йилдаги 8-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 93-А уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. "Нексия" русумли, 2000 йил ишлаб чиқарилган, ранги вишневый (қизил), давлат рақами 01/501 ZBA бўлган, соз ҳолатдаги автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 12 117 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 13 май куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 13 май куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юкланилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" АЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор туман, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. 228-79-52. Гувоҳнома №001580.

ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Respublika Mulk Markazi" АЖнинг устав фондидаги 34 фоизни ташкил этадиган давлатга тегишли бошланғич нархи 1 568 627 339 сўм бўлган акция пакетини "Тошкент" Республика Фонд биржасининг савдолари орқали сотиб олишга таклиф этамиз!

Жамият 1994 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Жамиятнинг асосий фаолияти юридик ва жисмоний шахсларга ҳамда давлатга тегишли автомототранспорт воситаларининг, хўжалик жамиятлари устав фондидаги улушларининг, асбоб-ускуналарнинг аукцион ва танлов савдоларини ташкил этишдан иборат. Жамият Тошкент шаҳрида ўзининг маъмурий биносига, автотранспорт воситаларига, керакли оргтехника ва офис жиҳозларига эга.

Ўзбекистон Республикасида 2020 йилнинг 1 январигача хорижий инвесторлар акциядорлик жамиятларида уларга тегишли бўлган акцияларидан дивиденд тарзида оладиган даромадидан солиқ тўлашдан озод қилинганлар.

Телефон: (0-371) 227-90-23. **Веб-сайт:** rmm.uz

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95; факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-4219
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 455
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10372 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 14.00
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ